

---

## ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу йил юртимизда Наврўз байрами тантаналари ҳар йилгиданда яхшироқ нишонланяпти. Халқ сайлларини айтмайсизми? Наврўз таровати кезиб юрган шу кунларда Рамазон ойининг кириб келиши ҳам юртимизга ўзгача файз олиб келди.

Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида бугун шодиёна. Туманимиздаги фаоллар ана шу ердалар. Дошқозонда сумалак, ўйин- кулгу авжида. Кечки ифторликка тайёргарлик кўрилмоқда.

Йиғилганлар барчалари шодон. Юртимиздаги ўзгаришлар, янгиланаётган Қомусимиз барча учун мафаатли бўлишлилигини таъкидлаб, дуо қилишмоқда.

Туман маданият бўлимининг бадий ҳаваскорлари хизматда.

Телевидение, ОАВ вакиллари ҳам ана шу ерда бўлишиб, қайноқ жараёнларни тарихга муҳрлашмоқда.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-28 15:31:20